

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АЗАТ АТАХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации докторска философии(PhD) по  
педогогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy(PhD)  
on pedagogical sciences**

**Юсупов Азат Атаханович**

Ўзбек тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи замонавий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишнинг илмий-методик асослари.....3

**Юсупов Азат Атаханович**

Научно-методические основы разработки современных учебно-методических заданий, развивающих навыки устной речи на уроках узбекского языка.....27

**Yusupov Azat Ataxanovich**

Scientific and methodological bases of development of modern teaching assignments that develop speaking skills in Uzbek language lessons.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АЗАТ АТАХАНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped2013 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fil-ik.urdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанов Фарҳад Курбанбаевич,  
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Раджабович,  
филология фанлари доктори, профессор

Юлдашева Шахло Шукурлаевна,  
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ётақчи ташкилот

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (А.С.С рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» декабрь да тарқатилди.  
(2021 йил «20» декабрь даги 17 рақамли реестр баённомаси.)



З.Дусимов,  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

С.М.Сариев,  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.(DSc), доцент

А.Д.Ўрозбоев,  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филол.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида она тили, давлат тили ва иккинчи тилларни ўқитиш бўйича замонавий ёндашувлар қўлланилмоқда. Умуман, тил таълимида прагматик ёндашув, нутқий компетенцияларни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат тили ва иккинчи тилларни ўқитишда АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг илмий-методик ёндашувларидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Хусусан, жаҳон тажрибасида IELTS, CEFR даражаларида талабаларнинг тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакалари текширилади. Бу ёндашувда ҳам, асосан, матн ва унга бириктирилган савол ва топшириқларнинг ўзига хослигига эътибор берилди. Бугун тил ўқитиш методикасида талабани турли нутқ вазиятларига, мулоқот муҳитига тайёрлаш, матн устида ишлаш орқали коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, иш юритиш, фикр алмашишда зарур бўладиган нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда ривожланган давлатларнинг илмий тадқиқот муассасаларида, олий таълим тизимида тил ўқитиш методикаси тинглаб тушуниш (listening), гапириш (speaking), ўқиш (reading), ёзиш (writing) каби кўникмаларни ривожлантирувчи илмий-методик ёндашувга асосланади, машққа таянилади, машқ ва топшириқ аниқ фарқланади, ўз ўрнида ишлатилади. Шунингдек, талабалар турли нутқ вазиятларига доир нутқий матнлар (топик) устида ишлаб, нутқий кўникма ва малакаларини оширади. Дунёнинг ривожланган давлатларида тил ўқитиш тенденциялари компетенциявий ёндашувга асосланди, таянч компетенциялар негизида ҳар бир талабага алоҳида ёндашиб, унинг интеллектуал ва нутқий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда алоҳида компетенциялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинади. Дунёда иккинчи тил ўқитишда лингвистик компетенция нутқий компетенцияни ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур илмий ёндашув тажрибаларда ўз самарасини бериб келмоқда.

Республикамизнинг бугунги тил сиёсати ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган. Жумладан, давлат тили таълимига замонавий ёндашувларни қўллаш, талабаларнинг нутқий кўникма ва малакаларини ошириш, матн устида ишлаш орқали давлат тилида тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини баравар ривожлантиришга ўтилмоқда. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>1</sup>, дея таъкидланиши ўзбек

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.

тили таълими олдига мамлакатимиз ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни қўяди. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек тили ўқитиш орқали ўқувчиларда нутқий ҳамда лингвистик компетенцияларни, хусусан, ўзбек тилида тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмаларининг ошишига замин яратиш лозим. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган йўналишларида ўзбек тили ўқитиш, хусусан, талабаларда нутқий кўникмаларни ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ўзга тилли гуруҳларда талабаларнинг нутқий кўникмаларини ривожлантириш учун халқаро илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда ўзбек тили машғулотларининг асосини ташкил этувчи ноанъанавий матнлар танлаб олиш ва улар орқали тилни самарали ўзлаштириш имконини берадиган замонавий ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Тадқиқот 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Университетлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон фармони ижросини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармони, концепция ва уларни амалга ошириш дастурида белгиланган вазифалар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш методикасига доир кейинги йилларда бир қатор илмий-методик тадқиқотлар олиб борилди. Ўзбек тилини бошқа тил соҳибларига ўргатиш XIX асрнинг охирида бошланган бўлиб, С.Назарова ва Қ.Ҳолиқбердиевларнинг илмий-методик ишларида рус-тузем мактабларида ўзбек тилидан сабоқ берган ўқитувчилар, дастлабки ўқув дастурлари ва

луғатлар ҳақида айрим маълумотлар келтирилади. Бироқ рус гуруҳларида ўзбек тили таълими билан боғлиқ илмий-методик ва ўқув-услубий ишлар 60-йиллардан сўнг ривожлана бошлади. Бу даврда ўзбек тилини ўқитиш методикаси бўйича фаолият олиб борган Х.Асалов, И.А.Киссен, Қ.Ҳоликбердиев, М.Усмонова, Э.Азларов, О. Азизов, Ғ. Шарипов каби олимлар айна вақтда ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси масалалари билан ҳам шуғулланган эдилар. Р.Йўлдошев, Р.Толипова, Р.Расулов, Н.Махмудов, Б.Тўхлиев, А.Рафиев каби олимлар эса рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш соҳасидаги фаолиятларини асосан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, луғатлар яратишга бағишладилар. Таъкидлаш жоизки, мустақилликкача рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш методикаси бўйича санокли методист олимлар шуғулланган бўлсалар, истиқлолдан сўнг бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг кўлами кенгайди, турли таълим босқичларида ўзбек тилини ўқитиш масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари юзага келди. Жумладан, М.Эргашева, М.Рихсиева, Қ.Ф.Умарова, Ғ.Аҳророва, Д.Тошхўжаева, Ғ.Муҳаммадҷонова, Ғ.Аҳмедоваларнинг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда русийзабон ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, сўз бойлигини ошириш, уларни матн тузишга ўргатиш мавзулари тадқиқ этилган.

Н.Дадаҷонова, Ғ.Қурбонова, Л.Ю.Ақрамова, М.Қорахўжаева, С.Адилова, М.Жўраев, Н.Умароваларнинг олий ўқув юртлари рус гуруҳларида талабалар нутқини ихтисосий-соҳавий атамалар билан бойитиш, ўзбек тилида мутахассисликка оид бирикмаларни қўллашга ўргатиш, ўзбек тили машғулотларида замонавий педагогик ва компьютер технологияларидан фойдаланиш масалаларини ёритишга бағишланган номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Жумладан, ўзбек тилининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўқитилишига доир Х.Муҳитдинова, А.Рафиев, И.Мирзаев, М.Болтаев кабилар рус гуруҳлари учун; М.Бўронов, Ш.Юлдашева ва Д.Кабуловалар эса қорақалпоқ тилли гуруҳлар учун бир қатор илмий-методик тадқиқотлар олиб борган. Бироқ замон шиддат билан ривожланаётган айна пайтда яратилган дарслик, методик қўлланма ва методик тавсияларда ўқув топшириқлари мазмунини такомиллаштириш, замонавийлаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўқув топшириқлари ўқувчи ва талабаларда нутқий компетенцияни тўла шакллантира олмаяпти. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўқитилиши билан боғлиқ монографик тадқиқотлар педагогика фанлари доктори, профессор Х.Муҳитдинова томонидан тизимли равишда олиб борилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотда ўзбек тилини, асосан, рус гуруҳларида ўқитишда дастур ва дарсликлар мазмунидаги узлуксизлик масаласига асосий эътибор қаратилган. <sup>2</sup> Х.Мирзоҳидова ўзбек мактабларида фонетика ўқитишни қирғиз тилига қиёслаб, қардош тилларга таққослаб

<sup>2</sup> Муҳитдинова Х. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ –Тошкент, 2011. -270 б

тушунтиришнинг қулайликлари ҳақида фикр юритади.<sup>3</sup>

Мазкур тадқиқотда эса ўзбек тили машғулоти оралиги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳ талабаларининг нутқий кўникмаларини ривожлантириш имконини берувчи ноанъанавий матнлар банки ва замонавий ўқув топшириқлар тизими – янги методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларининг ўзга тилли гуруҳларида ўзбек тили машғулоти оралиги нутқий компетенцияни ривожлантирувчи замонавий ўқув топшириқларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим тизимида ўзбек тили таълимининг бугунги аҳволини ўрганиш ва ўқув топшириқларининг таълимда тутган ўрнини белгилаш;

дарсликлардаги ўқув топшириқларининг ДТСи ва ўқув дастури талабларига мослигини қиёсий ўрганиш, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва ечимини топишга ҳаракат қилиш;

замонавий ўқув топшириқлари асосида матнни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмун, усул, воситаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

ўлкашунослик материалларидан фойдаланган ҳолда ноанъанавий ўқув топшириқлари ишлаб чиқиш,

ўзбек тили ўқитишда қайси метод, усул ва технологиялардан фойдаланиш муҳим ва зарурлигини аниқлаш;

ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни тажрибада синаб кўриш ва олинган натижаларни статистик таҳлилга тортиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ОТМларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларида ўзбек тили машғулоти оралиги нутқий компетенцияни ривожлантириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** таълим бошқа тилда олиб бориладиган гуруҳларда нутқий компетенцияни ривожлантирувчи замонавий ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш усуллари, тизими ва технологиясини такомиллаштириш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, суҳбат, статистик таҳлил, интервью, анкета-сўровномалари, педагогик тажриба-синов каби бир қатор усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>3</sup> Мирзоҳидова Х. Ўзбек мактабларида фонетикани қирғиз тилига қиёслаб ўрганиш: пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ –Тошкент, 1998. -143 б.



нутқий компетенцияни ривожлантиришда матнни тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини ҳосил қилувчи ўқув топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб амалиётда қўлланганда талабаларни турли нутқий вазиятларга тайёрлаш имконияти ошгани аниқланган;

талабаларда ўзбек тили машғулоти жараёнида турли услубга доир матнлар устида ишлаб, мантиқий фикрлаш, ўз фаолиятларида, мутахассислигига доир нутқий жараёнларда ўзбек тилидан самарали фойдаланиш малакаларини ҳосил қилишда ноанъанавий топшириқларнинг кулай ва самарадор эканлиги исботланган;

талабаларда равон нутқ асоси бўлган сўз бойлигини ошириш билан бирга уларда ватанпарварлик, миллий ғурур каби туйғуларни ҳам шакллантириш зарурати нуқтаи назаридан машғулотларда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш зарурлиги лингводидактик жиҳатдан асосланган;

ўзга тилли гуруҳларнинг турли мутахассисликни эгаллаётган талабаларида нутқий компетенцияни шакллантирувчи асосий ўқув материали – турли нутқий вазиятларга хос матнлар ва уларга тизимли боғланган ҳолда ишлаб чиқилган ноанъанавий ўқув топшириқлари эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизимининг давлат тили машғулотида ноанъанавий ўқув топшириқлари тизимидан фойдаланилмоқда;

адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш, мустақил фикрлаш, ўзбек тилидан самарали фойдаланиш каби малакаларини ҳосил қилувчи ноанъанавий ўқув топшириқлари тизими ишлаб чиқилган;

ўлкашунослик материалларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган ноанъанавий топшириқлар талабаларда равон нутқ асоси бўлган сўз бойлигини ошириш билан бирга ватанпарварлик, миллий ғурур каби туйғуларни шакллантирувчи методик таъминот амалиётга татбиқ қилинган;

компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТСи ва ўқув дастурлари, шунингдек, дарсликлар яратишда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбаларга алоқадорлиги, келтирилган таҳлил ҳамда тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари орқали асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Филология, тил таълими, хусусан, ўзбек тили ўқитиш методикасини такомиллаштиришда, ноанъанавий ўқув топшириқларининг таълимда тутган ўрнини белгилашда муҳим назарий аҳамиятга эга бўлган назарий қарашлар мавзу доирасидаги янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажариши мумкин.

“Ўзбек тили” дарсликлари, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда, олий ўқув юр்தларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларида “Ўзбек тили” фанидан амалий машғулотларда дарс самарадорлигини оширувчи материал бўлиб хизмат қилиши, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида ҳам нутқий компетенцияни ҳосил қилишда муҳим методик тавсия бўлиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳлар учун ўзбек тили ўқитишга мўлжалланган замонавий ўқув топшириқлари тизимидан фойдаланиш асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

Қорақалпоқ, Самарқанд ва Андижон давлат университетларида талабаларга ўзбек тилидан матн устида ишлаш орқали нутқий компетенцияларни, жумладан, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини жадал ривожлантиришда амалий ёрдам берди, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини оширишга хизмат қилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 89-03/31-35-сон маълумотномаси). Натижада давлат тили таълим тизимида ноанъанавий ўқув топшириқлари асосида талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлари сезиларли ўзгарган, ўқитувчилар фойдаланадиган давлат тилини ўқитишга доир методика мазмуни такомиллашган;

олий таълим учун ўзбек тили фанидан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар учун ишлаб чиқилган методик тавсиялардан “Имло” ва “Пунктуация” мавзулари бўйича Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётни ривожлантириш методикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳасини амалга ошириш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 89-03/31-35-сон маълумотномаси). Натижада замонавий ўқув топшириқлари орқали талабаларда нутқий компетенция сезиларли шаклланган;

талабаларда равон нутқ асоси бўлган сўз бойлигини ошириш билан бирга уларда ватанпарварлик, миллий ғурур каби туйғуларни ҳам шакллантириш зарурати нуқтаи назаридан машғулотларда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган ноанъанавий ўқув топшириқлардан Қорақалпоқ давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган М.Қудайбергенов раҳбарлигидаги ПЗ-20170930309-рақамли “Қорақалпоқ фольклори тилининг адабий тил ривожига таъсири масаласи” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 89-03/31-35-сон маълумотномаси). Натижада замонавий ўқув топшириқлари орқали ўқувчиларда нутқий компетенция сезиларли даражада шаклланиб, талабаларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуси мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли фармонининг 4-7-бандларида белгиланган давлат тилини таълим муассасаларида ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш ишларини жонлантиришда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2021 йил 11 январдаги 30-11-07-сон маълумотномаси). Натижада давлат тилида иш юритиш бўйича малака ошириш курслари мазмунини бойитган, ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг абробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 7 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек тили таълимида нутқий компетенцияни ривожлантирувчи ўқув топшириқларини такомиллаштириш зарурати” деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи фасли “Ўзбек тили дарсларида фойдаланиладиган ўқув топшириқларини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида” деб номланган. Ўқув топшириқлари мавзунини мустаҳкамлаш, уни ўзлаштиришда хизмат қилувчи ўқув материали ҳисобланган савол, машқ ва топшириқларни ўз ичига олади.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тилга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Таълим мазмуни янгиланди, мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўлами белгилаб олинди. “Шу кунгача ҳеч ким таълим босқичларида нимани қандай ўқитиш мақсадга

мувофиқлигини илмий нуқтаи назардан асослаб берган эмас”.<sup>4</sup> Таълим тарихида нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш масалалари асосий муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда”.<sup>5</sup>

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида бир қатор дарсликлар яратилди. Ўзбек тили дарслик ва қўлланмаларида бериладиган ўқув материаллари ҳам янги шакл ва мазмун касб этди. Шу билан бирга давлат тилини ўқитишда жиддий камчиликлар, мулоҳазаталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Шунча йил ўтган бўлишига қарамасдан ўзбек тили таълими таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳ ёки синфларда ўқув топшириқлари мазмуни деярли ўзгармаяпти.

Замон шиддат билан ривожланаётган айни пайтда яратилган дарслик, методик қўлланма ва методик тавсияларда ўқув топшириқлари мазмунини такомиллаштириш, замонавийлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбек тили ўқитиш методикасида инновацион ёндашувлар қўлланилаётган бўлса-да, тил ўқитишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Жумладан, ўзбек тилини ўрганувчининг ўз тилига қиёслаб ўқитиш бугунги таълим жараёнида фаол қўлланилмаяпти. Агар ўзбек тилини рус ёки қорақалпоқ ё бўлмаса тожик тилига қиёслаб тушунтирилса, айтайлик фонетика мавзусида, сўзларнинг талаффузини солиштириш ниҳоятда самарали бўлади.

Шу ўринда Ғ.Ҳамроевнинг дарс жараёнида машқ ва топшириқни бири-биридан дидактик жиҳатдан фарқлаш ҳақидаги назариясига тўхталиш жоиз. Ўқув топшириқларининг ўзбек тили ўқитиш амалиётида ҳам, асосан, икки кўриниши қўлланилади. Машқлар ва топшириқлар. Дарҳақиқат, ўзбек тили дарслик ва қўлланмаларида ҳам такрорга асосланган машқлар деярли учрамайди. Топшириқлар мазмуни ҳам хорижий тиллар ўқитиш амалиётидаги каби кўникма ва малакани шакллантиришга тўла ихтисослашмаган. Машқ ва топшириқлар, умуман, ўқув топшириқлари билим ҳосил қилишдан кўра нутқий компетенцияни шакллантиришга мўлжалланиши лозим. Ўзбек тили ўқитишда бошланғич машғулот талаффуз машқлари бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўқитувчи, албатта, машқ жараёнини таққослаш, қиёсий талаффузга таянган ҳолда ташкил этиши лозим. Кейин бошқа бўлимлар ҳам шу ёндашув асосида самарали ўзлаштирилади. Ўқувчи одатда ўз она тилига таяниб бошқа тил ёки ўқув предметларни ўзлаштиришини ёдда тутиш лозим.

Амалдаги ўзбек тили дарсликларининг ўқув топшириқлари мазмунини ташкил этувчи матнлар мамлакат географияси ҳақида ўқувчи ёки талабада тўлиқ тасаввур ҳосил қилмайди. Жумладан, Қорақалпоғистон жавоҳирлари ҳисобланган “Орол денгизи”, “Элликқалъа”, “Чилпиқ-қалъа”, “Мўйноқ” ёки дунё музейшунослигида юқори ўринда турувчи “Савицкий” музейи ва ундаги ўта ноёб экспонатлар ҳақида қизиқарли матнлар киритилиши, бутун Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ҳам бу ҳақда билиши лозим.

<sup>4</sup> Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999, 13 -б.

<sup>5</sup> Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995.

Дарслик ва кўлланмаларга киритилмаганлиги сабабли ҳатто кўплаб қорақалпоғистонлик ўқувчилар ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. Бу каби маълумотлар ўзбек тили дарсликларидан ўрин олувчи топшириқлар таркибидан жой олади.

Хусусан, ўқув топшириқларини такомиллаштиришда инглиз, немис ва француз тиллари тажрибаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ўқувчи ўз фикрини гўзал ва лўнда ифода этиши учун, албатта, кенг дунёқараш, етарли сўз бойлигига эга бўлиш билан бирга халқнинг миллий руҳи сингдирилган пурҳикмат мақол ва маталларни ҳам билиши, (ўзбекча-қорақалпоқча-русча) вариантларини солиштириб ўрганиш ҳам дарс сифатини оширади. Халқ мақоллари нафақат адабиёт дарсликларида, балки она тили дарсликларида ҳам кўпроқ келтирилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, мақоллар «яшаш қоидалари» сифатида ўқувчига оддий мисолга қараганда кўпроқ маълумот беради.

Нутқий компетенцияни шакллантирувчи ўқув топшириқлари, хусусан, талаффуз машқлари масаласи бошқа тилларда етарлича ўрганилган. Жаҳон тажрибасида фонетик машқлардан унумли фойдаланилади. Олий мактаб ва ўрта умумтаълим мактаблари учун нашр этилган дарслик ва кўлланмаларда товушларнинг талаффуз ҳолати акс этган махсус чизма(расм)лар йўқ. Ўзбек тилига хос бўлган айрим товушларнинг тўғри талаффузини оддий анъанавий машқлар билан етарли даражада ўргатиб бўлмаслигини бугунги талаба, ўқувчи, ҳатто айрим катта ёшдаги кишилар, хусусан, ўқитувчиларнинг нутқи ҳам исботлаб турибди. Топшириқлар мазмунини мамлакатимизнинг ҳамма билиши шарт бўлган маданий меърос ва қадриятларга доир ноёб матнлар билан бойитиш ўзбек тили дарсларининг мазмунли бўлишига катта ёрдам беради.

Бобнинг иккинчи фасли **“Ўзбек тилидан анъанавий ўқув топшириқлари мазмуни таҳлили”**га бағишланган бўлиб, унда ўқитиладиган фанлар умумметодологик, яъни гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, умумкасбий, мутахассислик, танлов фанлари ўқув блокларига ажратилади ва ўқув режасида ҳар бир фаннинг ўқув соати ҳажми белгилаб берилади. Бироқ таҳлиллар уларда қуйи таълим босқичида ўтилган материалларнинг такрор берилиши ҳоллари кўплигини кўрсатди. Жумладан, А. Рафиев ва бошқалар томонидан ОТМларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳлари учун намунавий дастур асосида ёзилган ўқув кўлланмада бошланғич синфларда ўқитилган ўқув материаллари такрор ҳолда берилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, “Шахс, предмет (нарс), буюм ва ҳодисаларни номлаш” мавзуси (9-дарс) бўйича “Бу талаба, бу аудитория, бу китоб, бу ўқитувчи” каби; 16-дарсда эса мен, сен, у, биз, сиз, улар каби бошланғич синфларда ўтилган сўзларнинг нутқий қурилма сифатида келтирилиши ёки қуйидаги каби диалогларнинг берилиши олий таълим талабалари савияси учун мутлақо мувофиқ эмас деб ўйлаймиз. ОТМ талабалари учун тайёрланадиган ўқув материаллари, топшириқлар, албатта, матн асосида бўлиши лозим. Агар талаба учун фойдали ва қизиқарли матн танланган бўлмаса, кўзланган

натижага эришиб бўлмайди. амалдаги ўқув адабиётларида матнларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётий эмас, матнга берилган савол ва топшириқлар ҳам грамматика ўқитишга йўналтирилган.

Амалда қўлланилаётган ўқув топшириқлари талабани фикрлашга деярли ундамайди. Нутқий кўникмаларни тизимли шакллантириш механизми мавжуд эмас. Тадқиқот объектига кирмаса-да, умумий ўрта таълим ўзбек тили машғулотларида нутқий кўникмаларни шакллантириш жараёни кузатилганда нутқий кўникмалар тизимли шакллантирилмаётгани маълум бўлди.

Биринчи бобнинг учинчи фасли **“Ўзбек тили” дастур ва дарсликлари мундарижаси таҳлили.** Республика умумтаълим мактабларида ўзбек тили бўйича амалда бўлган дастурларнинг мазмуни ва асосий йўналишлари 1950 йилларнинг ўрталарида шаклланган бўлиб, шундан бери улар айрим ўзгаришлар, тўлдиришлар билан бугунга қадар кун тартибидан тушгани йўқ. Шу асосда дарсликлар яратилди, улар такрор-такрор давр синовидан ўтди. Бир томондан қараганда бу борадаги ишлар такомиллашиб, мукаммаллашиб борганга ўхшаб кўринади. Бироқ ижтимоий ҳаётимизда кейинги чорак асрдан кўпроқ ўтган вақт мобайнида сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий жиҳатдан кескин ўзгаришлар рўй берди; миллий дунёқарашимизда, шу билан боғлиқ шахс тарбиясига муносабат масаласида янгиланишлар кузатилди; мустақиллик мафкураси жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир соҳаси, ҳар бир кўриниши олдига янгича талабларни қўйди. Жамиятимизда улкан ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Шундай ўзгаришлар сирасида ўзбек тилшунослиги ва унинг тадриси билан боғлиқ янгиланишлар ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, ўзбек тилшунослигида тилни умумийлик, моҳият, имконият, сабаб характеридаги тизим; нутқни эса алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат сифатида ўрганувчи субстанциал тилшунослик йўналиши шаклланди, ривожланди, улкан ютуқларни қўлга киритди.

Бироқ бу янгиланишларнинг барчаси таълим тизими босқичларида сараланиб, бирдек қабул қилингани йўқ. Атрофимизга назар ташласак, илғор давлатларнинг кўпида она тилидан таълим мазмуни тубдан янгиланди. “Таълим мазмуни сирасида ўқувчиларга тақдим этилаётган билимлар уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондира олиши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка ундаши лозим”<sup>6</sup>лиги белгиланди.

“Ўзбек тили” дарсликларида мавжуд назарий маълумотлар, ўқув топшириқлари қачондан бошлаб ва нима мақсадда дарсликларга киритилганлигининг сабабларини ўрганиш бу борадаги тасаввурни равшанлаштиради.

Олий таълим муассасаларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили ўқитиш билан боғлиқ муаммолар қаторида дарсни ташкил этувчи, талабанинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этуви

<sup>6</sup> Йўлдошева Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари.–Т.: Фан, 2006. – 11-б.

ўқув топшириқлари ҳам мавжуд. Амалдаги ўқув топшириқлари талабада замонга мос бўлган нутқий компетенцияни шакллантира олмаётгани сабабли замонавий ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш заруратини асослаш ва уни ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Ўзбек тили таълимида ўқув топшириқларининг ўрни уларнинг яхлит матнларга боғлиқлиги, кўникма ва малакаларни тизимли шакллантира олиш имконияти ўрганилганда ўқув топшириқларига бўлган юзаки муносабатни ўзгартириш, топшириқнинг асосий вазифасини аниқлаб олиш зарурати борлиги аниқланди. ОТМларининг ўзга тилли гуруҳларда давлат тили ҳисобланган ўзбек тилини ўқитиш талаб даражасида эмаслиги, талабаларнинг мазкур ўқув фанига муносабатлари қониқарли бўлмаётгани маълум бўлди. Бунинг асосий сабаби таълим мазмуни ва дарс ўтувчининг маҳорати билан боғлиқлиги кузатилади.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари таълим бошқа тилларда олиб бориладиган ўзбек тили дарсларида қўлланилаётган анъанавий ўқув топшириқлари талабаларга зарур нутқий кўникма ва малакаларни етарли даражада шакллантира олмаётгани, нутқий вазиятга мос фикр ифодалаш компетенциясини ҳосил қила олмаётганини кузатиш мумкин. Бу борада ноанъанавий ўқув топшириқлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш зарур деган хулосага келинди.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда талабаларнинг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантириш, уларни мулоқот жараёнига тайёрлаш учун, аввало, сифатли матнлар танлаш, матнларга талабаларни ўзига жалб қиладиган сарлавҳа қўйиш, танланган матнлар ўқувчи учун қизиқарли ва фойдали бўлиши керак.

Ишнинг иккинчи боби **“Ўзбек тили таълимида замонавий ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш методикаси”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи фаслида *“Замонавий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишни ташкил этиш мазмуни”* ҳақида фикр юритилган. Бугун тил таълимида ҳам асосий мақсад ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришдир. “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар бола эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълимнинг самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”.<sup>7</sup>

Бугунги кун изланишни, янгиликни, қулайликни талаб қилар экан, дарс жараёнида замонавий ўқув топшириқларидан фойдаланиш муҳим саналади. Ўзбек тили дарсларида матнга берилган савол ва топшириқлар мазмунини такомиллаштириш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан мазкур методик тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида қуйидаги тамойилларга таяниб ишлаб чиқишни тақозо қилади:

---

<sup>7</sup> Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1998.–4-19- б.

Кенг қамровлилик: тилнинг барча сатҳларини ўзбек тилида ёзилган бадиий ва илмий адабиётларни ўқиш ва тушуниш мақсадида ўрганиш.

Оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш. Қўлланма мазмун-мундарижаси ва машқлар тизими ана шу мақсадга йўналтирилган.

Методик тавсия ўқув материалларини талабалар мутахассислиги ва қизиқишлари асосида танлаш.

Ўқув материалнинг тизимли, изчил берилганлиги ва такрорланувчанлиги.

Методик тавсиялар 10 асосий машғулотдан ташкил топган бўлиши, охирги дарс ўтилганларни такрорлаш ва назорат қилишга мўлжалланганлиги кабилар.

Ҳар бир дарс уч қисмдан иборат:

Биринчи қисмда 1) фонетик машқлар; 2) матнлар; 3) мустаҳкамловчи машқлар.

*Дарснинг тузилиши*

Мазкур тавсияда шу турдаги дарслик ва қўлланмалардан фарқловчи янгиликлар қуйидагилар:

фонетик машқларнинг берилганлиги;

талабанинг ихтисослигига доир матнларнинг танланганлиги;

ҳар дарс матни бўйича луғат тузилганлиги. Бунда асосий эътибор қайси феълнинг қандай келишидаги сўзни талаб қилишига қаратилади. Масалан,

қўлламоқ (кимга? нимани? нимага?) - употреблять

эришмоқ (кимга? нимага?) – добиться

таъкидламоқ (кимга? нимани?) - отметить

сақламоқ (нимага? кимдан? нимадан?) - хранить

грамматикага доир мураккаб қоидаларнинг берилмаганлиги. Бу талабаларни ўрта мактаб ёки ўрта махсус таълим муассасасида олган билимларини эслашга, улар устида ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатади;

асосий эътибор талабада фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим усули бўлмиш индуктив методга қаратилганлиги;

дарснинг интерфаол усулларга асосланганлиги;

мустақил ўқишга кенг ўрин ажратилганлиги;

Фонетик машқлар аудиторияда бажарилади: ҳар бир талаба ўқийди, бошқалар уни кузатади. Ҳар қандай ўқув материални хоҳ матн, хоҳ луғат ёки диалог бўлсин, дастлаб ўқитувчи томонидан намунали тарзда ифодали ўқиб берилади. Шундан сўнг талабалар бирин-кетин ўқийди, ёд олинган луғатдан фойдаланган ҳолда таржима қилинади.

Методик тавсияга илова қилинган матнлардан уйда ўқиш материали сифатида фойдаланиш мумкин. Уни назорат қилиш эса дарсдан ташқари пайтларда амалга оширилади.

Давлат тили сифатида ўрганиладиган “Ўзбек тили” фанининг муҳим таркибий, маънавий-маърифий қисми қадим тарихимиз, буюк олим ва адибларимиз ҳаёти ва ижодлари ҳақидаги лавҳалар, қадриятга айланган



ўлкашунослик материалларини ўз ичига олган. Бу материални талабаларнинг ўзлари ўқитувчи назорати остида тўплайди ва ўрганеди.

Ўқувчиларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усул ва услубда миллий кадрларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз кераклиги асослидир. Афсуски, бу ҳақда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Шу масалалар билан шуғулланиши керак бўлган мутасадди институтлар ва марказлар етарли. Бунда ўрганилаётган ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида кенг ва тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган илмий-амалий маълумотлар бериш, ўзбек тилида тўғри талаффуз, имло ва пунктуациянинг асосий қоидаларини ўзлаштириш, муайян бир хабар ёки маълумотни турли шаклларда бера олиш, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган иш қоғозларини юритиш, бадиий, илмий, сиёсий асарларни ўрганиб, улар ҳақидаги фикр мулоҳазасини, шахсий муносабатини оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри баён эта олиш имкониятларидан ўринли фойдаланиш талаб этилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Ўзбек тили дарсларида ривожлантириладиган нутқий кўникмалар”** Ўзбек тили фанидан Давлат таълим стандарти шу тил бўйича эгалланадиган нутқий фаолиятнинг асосий тўрт тури: ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзиш амаллари бўйича ҳар бир синфда тақозо этиладиган билим ва кўникмалар меъёрини белгилаб беради. Бунда ўқувчининг нотаниш матнни ифодали ўқий олиши, ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш ҳамда уни оғзаки қайта баён қила олиш даражаси, фикрни мантикий изчилликда ифодалай олиши, тилнинг ифода воситаларидан ўринли ва унумли фойдалана билиши, имловий саводхонлиги каби компетенцияларни эгаллаб бориш динамикаси назарда тутилади.

Ўзбек тилининг асосини ташкил этган грамматика маълумки, ўқиш ва ёзишни, адабий тилда гапиришни қоникарли даражада ўргатмаяпти. Қуйидаги методик тавсияга диққат қилинг:

## 1-dars

### Gapiring:

- Matndagi muhim jumlaning ayting.
- Jenisbekning yutuqlari nimaga bog'liq ekanligini gapirib bering.
- 30-35-qatorlarni o'qib, o'zingizni qanday fazilatlar quvontiradi-yu, qanday illatlar yoqmasligini ayting.

### Grammatika:

Tarjimaiy hol matnini tuzishda gapning kesimi I shaxs birlik, asosan, o'tgan zamon shaklida bo'ladi:

O'qishga qabul qilindim, tug'ilganman, dunyoga keldim.

I o'qidim; o'qidik,

II o'qiding; o'qidingiz;

III o'qidi; o'qidilar.

### Yoziq:

\*15-20-qatorlarda

**o'tgan zamon** qo'shimchasini olgan fe'llarni alohida yozib oling.

\*25-30-qatorlarni o'qib, iqtidor va mehnat haqida o'z fikringizni **bitta jumlada** ifodalang.

\*Matn mazmunidan kelib chiqib, muvaffaqiyatga erishishning siri nimada ekanligini **yoziq** ifodalang.

\*O'rganganlaringizdan foydalanib, o'zingiz haqingizda **kichik tarjimaiy hol** matnini yozing

**O'qing:** Jenisbek Piyazov yosh bo'lishiga qaramay ko'plab muvaffaqiyatlarga erishgani haqidagi "Hayotimni o'zgartirgan qo'ng'iroq" matnini ifodali o'qishni mashq qiling.

### Hayotimni o'zgartirgan qo'ng'iroq

Nukus shahrida 1988-yilda tavallud topgan Jenisbek Piyazov yosh bo'lishiga qaramay ko'plab muvaffaqiyatlarga erishgan: 19 yoshida "Nihol" mukofoti sovrindori, 22 yoshida "Shuhrat" medali sohibi, 23 yoshida Qoraqalpog'istonda xizmat ko'rsatgan artist va 25 yoshida O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist unvonlariga sazovor bo'lgan.



Uchrashuv davomida yosh reportorlar turli savollar bilan Jenisbek Piyazovga murojaat qildilar. **5**

- Bugungi kunda nimalar bilan mashg'ulsiz?

- Shu kunlarda, ham siyosiy tarafdandir, ham ijod tarafdandir bajariladigan ishlar ko'p. Ijodiy safarlar, ijodiy uchrashuvlar degandek.

- Hammaga ma'lumki, Toshkentda bergan jonli ijrodagi konsert dasturingiz yetarlicha shov-shuvlarga asos bo'ldi. Nukusda ham shunday konsert berish rejangizda bormi? **10**

- Bilasizmi, konsertda 120 odam ortda bo'ldi, ular xor, orkestr, boshqa yordamchilar. Ularning asbob-uskunalarini, texnikalarini, apparatlarini, chiroq ta'minoti degandek. Buning ustida ancha ishlash kerak. Lekin, xudo xohlasa rejamizda bor: shu yili Savitskiy nomli davlat muzeyining oldida konsert berish.

- Siz uchun eng esda qolarli telefon qo'ng'iroqi qaysi bo'lgan? **15**

- Eng esda qolarlisi, 2007-yil "Nihol" mukofoti sovrindori bo'lganimni qo'ng'iroq qilib aytishgani. U payti hech kim meni opera yo'nalishida tayyorlanib yurishimni bilmas edi. Chunki, men 2-3-yil sinfdan chiqmay tayyorlanganman. Opera yo'nalishida ishtirok etayotganman, respublika bosqichiga o'tdim, deganimda ham unchalik e'tibor berilmadi. Mana, sovrindor bo'ldim. Shu kuni birinchi marta samolyotda uchdim (kuladi) va ayta olamanki, o'sha kun va o'sha qo'ng'iroq **20** hayotimda eng unutilmas voqealardan biri sifatida muhurlangan.

- Shu darajaga yetish uchun nimalardan voz kechishingizga to'g'ri keldi?

- Chaykovskiy muvaffaqiyatga erishish 1% iqtidorga, 99% mehnatga bog'liq, deb aytdi. Bir xil odamlar bor, o'zining iqtidorini namoyon qila oladi, u bilan ko'p yutuqlarga erisha oladi. Men ham shu darajaga erishish uchun ko'p narsadan **25** voz kechganman deya olmayman. Chunki kelishi kerak bo'lgan narsalar o'zi kelarkan, vaqtiga qarab, sening omadingga qarab. Kerak joyda bo'la bilsang bas. O'lingdan bir narsa keladimi, ko'rsat! Tortinma, uyalma. Odam birovga havas ko'zi bilan qarashi kerak, hasadmas. Shunda uning yo'li ochiladi. **30**

- Odamlardagi qaysi fazilatlar sizni quvontiradi-yu, qaysi illatlari g'azablantiradi?

- Men odam tanlayvermayman, lekin yaqinlashmayman ham. Oila a'zolarimdan tashqari yaqin insonlarim sanoqli. Fe'lim shundayki, bir marta ishonchimni suiiste'mol qilgan odamga bo'lgan munosabatimni avvalgi holiga qaytarolmayman.

Suhbat davomida, Jenisbek Piyazov joriy yilning 21-22-aprel kunlari Istiqlol **35** san'at saroyida Muslim Magomayev ijodiga bag'ishlangan gala-konsert bo'lishini ma'lum qildi. Ma'lumot o'mida shuni keltirib o'tmoqchiman, Jenisbek Piyazov 2012-yil Moskvada o'tkazilgan Muslim Magomayev nomidagi operachilar tanlovida grant-priza sazovor bo'lgan. Aynan o'sha xonandaning ijodiga bo'lgan hurmati tufayli, o'g'liga Muslim deb ism qo'ygan. **40**

Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш билан чет тили, давлат тили сифатида ўқитиш методикалари бир-биридан фарқ қилади, шундай бўлса-да амалиётда қўлланмоқда. Грамматика ўзбек ўқувчисига хорижий тилларни ўрганиш учун керак. Она тили ўқитиш методикасида асосий эътиборни нутқий компетенцияни ривожлантиришга қаратиш, лингвистик компетенцияни ҳам шунга йўналтириш мазкур соҳада қутилган натижани таъминлайди. Ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам битта методика ишланиши керак.

Амалдаги ўзбек тили ўқитиш методикасида кўникма ва малакаларни ривожлантириш механизми ишламайди. Бу – такрорга асосланган машқлар тизимидир. Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили ўқитишда на дарслик, на ўқув қўлланмаларида талаффуз ёки имлога қаратилган машқлар бор, борлари ҳам топшириқ характерида. Топшириқ ва машқ фарқланмайди. Қўлланилаётган топшириқлар ҳам анъанавий бўлиб, замонга мос эмас. Назарий маълумотни ўзгартириш билимга таъсир қилиши мумкин, кўникма ва малакага эмас. Ўқувчи нега инглиз тилини қийин бўлса ҳам тез ўзлаштирмоқда, чунки уларда машқлар ишлайди. Ҳамма гап ўқув топшириқларида, уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш методикасида.

Ўзбек тили ўқитиш методикасига инновацион ёндашувларни жорий этиш, PISA, PIRLS халқаро баҳолаш талаблари асосида жаҳоннинг илғор ўқитиш методикаларида мавжуд баҳолашга қулай бўлган малака талаблари ишлаб чиқилиши керак. Албатта, мазкур талаблар ўзбек тили фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши керак.

Дунё тажрибасида эътироф этилаётган тил ўрганишга доир **тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш** ва **гапириш** кўникмалари ўқувчининг нутқий компетенциясини ривожлантириш ва баҳолаш имконини бераётгани кўпчилик давлатларда тан олинган. Жумладан, мамлакатимизда ҳам чет тили ўқитишда ўз самарасини бермоқда. Ўзбек тилини иккинчи ва давлат тили сифатида ўқитишда бу хорижий тажрибадан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини билиш даражаси **тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш** ва **гапириш**га қўйилган минимал талабларга (масалан, инглиз тилидаги каби) жавоб берса, ўзбек тили фани ўз олдига қўйган ижтимоий буюртмани бажарган бўлади.

Замонавий ўқув топшириқлари матнлар асосида шакллантирилади, шунинг учун матн танлашда ҳам барча мезонларни назарда тутиш лозим. Олий таълим муассасаларида, асосан, оддий сўзлашув услубидаги матнлардан фойдаланилади. Ваҳоланки, ўзга тилли гуруҳларда талабанинг ихтисослигини албатта эътиборга олиш керак. Тил ўқитишнинг хорижий тажрибасига кўра бир матн асосида талабаларда ҳам гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини шакллантириш мумкин.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “**Замонавий топшириқлар тузишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш**” деб номланган. Ишда анъанага айланиб қолган топшириқлардан фарқли ўлароқ эҳтиёжларни ўрганиш асносида ноанъанавий машқ ва топшириқлар тизими ишлаб

